



# Muhofaza +

Ижтимоий-сиёсий, илмий-амалий ва бадиий журнал

2018 йил № 01 (157)



**Янги уйлар ярашади мардларга!**

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Фавқуллода вазиятлар**  
**вазирлиги**

Ўзбекистон Республикаси  
 Фавқуллода вазиятлар  
 вазирлигининг ижтимоий-сиёсий,  
 илмий-амалий ва бадиий журнали

**Бош муҳаррир**  
 Дилшод РАЖАБОВ

**Компьютерда**  
**саҳифаловчи-дизайнер:**  
 Маъмуржон РАҲМОНОВ

**Мусаҳҳиҳ:**  
 Баноат ЮНУСОВА  
 Дилдора УБАЙДУЛЛАЕВА

Таҳририятга келган муаммоли ва мураккаб мавзудаги мақолалар вазирлик Илмий-техник кенгашида муҳокамадан ўтказилади.

Кўлэмалар, фотосуратлар қайтарилмайди, уларга жавоб ёзилмайди.

Журналдан кўчириб босилган мақолалар «Муҳофаза+» журналидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2007 йил 3 январда 0105-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

Қоғоз бичими 60x84 <sup>1/8</sup>.

Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 4,0.

Адади 4500 нусха.

Буюртма №12

Босмаҳонага топширилди:

19.01.2018 й.

«MUNARRIR NASHRIYOTI»  
 МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.  
 100011, Тошкент шаҳри,  
 Чилонзор тумани, 20-а мавзе,  
 Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100084, Тошкент шаҳри,  
 Бунёдкор кўчаси, 2-уй  
 Тел.: (0 371) 227-01-25

e-mail: [tahririyat@fvv.uz](mailto:tahririyat@fvv.uz)

ISSN 2091-5284

«Муҳофаза+» журнали ва  
 «Вазият» газетаси  
 бирлашган таҳририяти

# МУНДАРИЖА

Курулли Кучларимиз — мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир _____	3
<i>И.Иноятов.</i> Мамлакат мудофааси ва тинчлик таянчи _____	10
<i>А.Боймирзаев.</i> Из гази _____	12
<i>Т.Турагалов, З.Илёсова.</i> Фавқуллода вазиятлар _____	13
<i>С.Сулайманов, Н.Ҳамрабаева.</i> Оценка потенциала персонала по снижению сейсмического риска _____	14
<i>И.Назаров, Б.Царёв.</i> Подготовка молодых бойцов горных подразделений _____	18
<i>А.Боймирзаев.</i> Ботулизмдан эҳтиёт бўлинг! _____	22
<i>И.Низомов.</i> Стресснинг салбий таъсири _____	23
<i>А.Шодиев, К.Хакимов, У.Эшонкулов, А.Хасанов.</i> Уран и золото _____	24
<i>Ж.Воротникова.</i> Эпидемический очаг _____	26
<i>К.Умарходжаева.</i> Мулк _____	26
<i>К.Абдурашитова.</i> Қон кетишда биринчи ёрдам _____	27
<i>Т.Сафаров.</i> Адолатли тизим ва тузум _____	28
<i>С.Мирзо.</i> Шифокор ҳам халоскор _____	29
<i>А.Ҳожиев, Г.Муртазаева.</i> Зарарли таъсирлар _____	30
<i>С.Холова, Э.Озодов.</i> Агроинновация парадигмаси _____	31
<i>Р.Авазова.</i> Маҳорат _____	31
<i>Д.Ражаб.</i> Шеърлар _____	32

# ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАР

*Ҳозирги кунда Республикамизнинг барча олий, ўрта махсус таълим муассасаларида, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фани ўқитилади. Мазкур фанни ўқитишда фан дастурида қуйидаги лаборатория ишларини бажариш кўзда тутилган. Бу лаборатория ишларини бажаришда ўқув лаборатория хоналарида инсон бир қатор зарарли омиллар таъсирда бўлади.*

Ўқув лаборатория хоналарида тўлиқ зарарсиз ва хавфсиз ишлаш учун шароит яратиш амалда мумкин эмас. Шу сабабли ўқув-лаборатория хоналарида меҳнат муҳофазасининг вазифаси зарарли ва хавfli ишлаб чиқариш омилларининг ўқувчи-талабаларга таъсирини энг кам даражага келтиришга имкон берадиган чора-тадбирларни кўришдан, жароҳатланишнинг олдини олиш, ёрдам берадиган қулай шароитларни яратишдан иборат.

Ҳозирги кунда таълим муассасаларида ўқув лаборатория хоналарининг аксарият қисмида техника хавфсизлиги, электр ёки ёнғин хавфсизлиги бўйича эслатмалар етарли эмас ёки яроқсиз ҳолатда. Бу кўрсатмаларнинг яроқсиз ҳолатда бўлиши ўқув лаборатория хоналарида талаба ва ўқувчилар орасида бахтсиз ҳодисаларнинг ёки жароҳатланишларнинг келтириб чиқиш эҳтимолини оширади.

Ўқув лаборатория хоналарида техника хавфсизлиги, электр ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, шу каби хоналарда турли хилдаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг келтириб чиқармаслик учун машғулот ўтаётган ўқитувчи томонидан ўқувчи ва талабаларга шу хонадаги хавfli омиллар ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиш бўйича кўрсатмалар бериши лозим.

Шу билан биргаликда барча ўқув лаборатория хоналарида техника хавфсизлиги, электр ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини акс эттирувчи эслатмалар ва шахсий ҳимоя воситалари бўлиши лозим. Техника хавфсизлиги, электр ва ёнғин хавфсизлиги бўйича эслатмаларда қуйидаги қоидалар кўрсатилган бўлиши керак:

— ўқув лаборатория хонасида тажриба ўтказишдан олдин талабалар техника хавфсизлиги йўриқномасидан ўтиши керак;

— хонадаги ускуналарни рухсатсиз ишлатиш тақиқланади;

— тажриба ишлари тугагандан кейин ускуна ва асбоблар бир-биридан ажратилиши ва жой-жойига қўйилиши керак;

— хонадаги микроклимат кўрсаткичлари (намлик, ҳарорат) белгиланган меъёрдан юқори бўлганда электр ускуналарини ишга тушириш тақиқланади;

— электр қурилмаларида тажриба ишларини бажаришни бошлашдан олдин уларнинг яроқлилиги (электр ўтказгичларнинг изоляцияси, ҳимояловчи ерга улагичлар) ўқитувчи томонидан текширилади ва кейин ишлашга рухсат берилади;

— ҳар қандай, айниқса, шишадан ясалган ўлчаш асбоблари билан жуда эҳтиёткорлик билан муомала қилиш талаб этилади;

— кимёвий жиҳатдан хавfli бўлган моддалар (симоб, кислоталар ва бошқа) билан ишлаганда асбобларнинг бузилиш, синиш ҳолатлари кузатилса, уларни ўзбошимчалик билан бартараф этиш тақиқланади.

Шу билан биргаликда ўқув лаборатория хоналари учун ҳам бир қатор электр ва ёнғин хавфсизлиги талаблари мавжудки, агар улар ҳам белгиланган меъёрларга жавоб бермаса, у ерда кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш эҳтимоли юқори бўлади.

Ўқув лаборатория хоналари учун ҳам электр ва ёнғин хавфсизлиги талаблари қуйидагилардан иборат:

— электр ток ўтказувчи қисмлар, тақсимловчи қурилмалар, аппаратлар ва ўлчаш асбоб-ускуналари, шунингдек, турли сақловчи қурилмалар, рубильниклар ва бошқа ишга туширувчи аппаратлар ва мосламалар фақат ёнмайдиган асослар (мармар, текстолит, гетинакс)да монтаж қилиниши лозим;

— юқори намлик ва иссиқлик ажралиб чиқувчи хоналарда электр ёритгичлар намликдан, электр двигателлари эса суюқлик сачрашидан

ҳимояланган бўлиши шарт;

— тақсимловчи қурилмалар изоляциясининг қаршилиги ва чидамлилиги текшириб турилиши лозим;

— кабеллар ва электр ўтказгичларнинг изоляцияси, ташқи бирикмалар, ҳимояловчи ерга улагичлар, электр двигателларнинг ишлаш режими кўриқдан ўтказилиши ва асбоб-ускуналар билан ўлчаш орқали текширилиб турилиши лозим;

— битта электр штепцелига бир нечта истеъмолчиларни улаш тақиқланади;

— жиҳоз ва ускуналар сақланадиган хоналар, кўпикли ва углекислотали ўт ўчиргич, хабар бериш қурилмаси ва бошқалар билан таъминланиши керак;

— ёнғинга қарши ускуналар сақланадиган жойни тўсиб қўйиш ва бошқа мақсадлар учун ишлатиш ман этилади;

— фойдаланилган жиҳоз-ускуналарнинг занг, чанг ва мойни артиш материаллари, қиринди ва чиқитлар ҳар куни, машғулотлардан кейин чиқариб ташланиши керак;

— тез ёнувчан, ёнғинга хавfli жиҳозлар, инвентарлар ва материаллар сақланадиган хонада электр ёритгичлари шиша қопқоқ билан беркитилган бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўқув лаборатория хоналарида инсонларни зарарли омиллар таъсирига тушиб қолмасликлари учун ушбу хоналарда техника хавфсизлиги, электр ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини акс эттирувчи эслатмаларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан биргаликда ўқув лаборатория хоналарида мавжуд, лекин яроқсиз ҳолатдаги эслатмаларни янгилаш ушбу хоналарда бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишини, ўқувчи талабалар орасида жароҳатланишларнинг келиб чиқишни олдини олиш учун муҳим омил ҳисобланади.

**А.ҲОЖИЕВ,**

**Г.МУРТАЗАЕВА,**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» кафедраси ходимлари**